

Ҳидоят журнال

اَنْعَمْ عَلَى سَبِيلِ رَبِّكَ بِالْحِكْمَةِ وَالْمُؤْمِنَةِ الْجَسَنَةِ



Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий газетаси
1990 йил 1 марта чиқа бошлаган.

Кутлов

№ 7 (720) 15.04.2023 | ۴۴.۰۹.۱۴۴۴

Саховат ва мехр-оқибат байрами

Рамазон ҳайити кунлари муҳтоҷлар, фақир-мискинлар ҳолидан ҳабардор бўлиш, ҳақдорлар ҳақини ато этиш, инфоқ-эҳсон қилиш, болаларга ҳайитлик улашиш лозим.

Мусулмонлар Аллоҳ таоло фарз қилган Рамазон рӯзасини комил тутиб, Куръони карим тиловати, дуою хайрлар билан муборак ҳайитни қарши олишади. Байрам кунларида мўминлик ахлоқи, меҳр-оқибат ва саховат кўрсатиш каби фазилатлар ёрқинроқ намоён бўлади. Ана шу кутлуғ айёмда қариндош-уруғларни, ёр-биродарларни, устозларни зиёрат қилиш, ҳол-аҳвол сўраш, ота-оналарни хурсанд қилиш гўзал фазилатлардандир.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат этади: “**Молларини Аллоҳ йўлида сарфлаб, сўнгра берган нарсалариға миннат ва озорни эргаштири-майдиган зотлар учун Парварди-горлари ҳузурида улуғ ажр бордир**” (Бақара сураси, 262-оят). “(Эй Муҳаммад,) қавми қариндошга, мискин ва йўловчига (хайру эҳсон қилиш билан) уларнинг ҳақларини адо этинг ва исрофга йўл қўйман!” (Исроп сураси, 26-оят).

Ҳадисларда бундай дейилган: “**Бир-бирларингиздан алоқсангизни узманг, бир-бирларингиздан юз ўғирманг, бир-бирингизга ҳасад қимланг, Аллоҳнинг яхши оға-ини бандаларидан бўлинг**” (Ином Термизий ривояти).

“**Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, қариндошли-ри билан алоқани боғласин**” (Ином Бухорий ва Ином Муслим ривояти). “**Мў-мин киши ўзи тўқ бўла туриб, қўши-нисин оч қўймайди**” (Ином Аҳмад ривояти).

Баъзи жойларда ҳайит кунлари динимизда буюрилмаган, исрофгарчиликка сабаб бўладиган турли маросимлар ўтказиш ҳолатлари кузатилади. Бу динимизга зиддир. Шунингдек, хурсандчилик, шоду хуррамлик рамзи бўлган байрамни аза ва йифи-сиғига айлантириш мутлақо



мумкин эмас. Унга кетадиган маблағларни муҳтоjlарга, фақир-мискинларга, етим-есир, бева-бечораларга тарқатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Муборак Рамазон ойнинг жамиятимиз ҳаётida тинчлик-барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ҳалқимизнинг диний-маънавий қадриятларини асраш ва ривожлантириш борасидаги аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда уни ҳар томонлама муносиб ўтказиш мақсадида 21 март куни муҳтарам Президентимизнинг

“**Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида**”ги Қарори қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори ҳеч бир истисносиз бутун бир ҳалқимиз томонидан эътироф этилаётгани муқаддас динимиз ва унинг барча амалларига қонунан эмин-эркинлик берилаётганидан далолатdir.

Масжидга келаётган кексалар билан сұхбат қилсангиз қўзларидан миннатдорчилик ёши балқиганини кўриб Яратганга шукроналар келтирасиз.

Зеро, Расули Акрам соллаллоҳ алайҳи ва саллам ҳадисларининг бирида: “**Аллоҳ таоло бандага каттами, кичикми бир неъмат берса ва бандада унинг шукронаси учун “Аллоҳга ҳамд бўлсин” деса, шунда уйша**

неъматидан ҳам афзалроқ нарсага эришган бўлади”, деганлар.

Буларнинг барчаси, албатта, юртимиздаги эмин-эркинликнинг шарофатидандир. Агар биз ато этилган Аллоҳнинг мана шу неъматларига шукур қилиб, зиммамиздаги бурч ва вазифаларимизни адо этиб борар эканмиз, Ҳақ субҳанаҳу ва таоло ояти каримада: “... агар (берган неъматларимга) **шукур қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман...**”, - деб таъкидлаганидек, ўз неъматларини янада зиёда этиши муқаррар.

Одатда инсон ўзига берилган неъматлар қадрини мuloҳаза қилиб, шу неъматдан ўзгалар ҳам баҳраманд ёки бебаҳра эканлигини ўйлаб, қиёслаб юриши ҳам иймон нуридандир. Бу эса шукур келтиришга чорлади. Янада кўпроқ Аллоҳ таолоға хуш келади. Натижада неъматнинг зиёда бўлишига сабаб бўлади, инсонни баҳт-саодатга эга қиласdi.

Аллоҳ таоло Рамазон ҳайитини гўзал ва қўтаринки қайфиятда ўтказишни барчамизга насиб айласин! Ҳалқимизни, юртимизни турли балою оғатлардан ўзи асрасин!

Ҳайитингиз кутлуғ бўлсин, азизлар!

Абдулҳай ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг
Наманган вилоят вакили

ҚИСҚА САТРЛАРДА

✓ Ўзбекистоннинг Саудия Арабистонидаги элчиси Улугбек Максудов Бутунжаҳон ислом уюшмаси бош котиби Шайх Муҳаммад бин Абдулкарим ал-Исса билан учрашув ўтказди. Унда Имом Бухорий мажмуаси ҳудудида Пайғамбар алайҳиссалом сийрати ва Ислом цивилизацияси инновацион музейини ташкил этиш масалалари муҳока мақилинди.

✓ 6 апрель куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров Шаҳрисабз шаҳридаги “Сиројиддинхон Бурхониддинхон ўғли” жоме масжидига ташриф буюриб, намозхонларга мавъиза қилиб берди.

✓ 6–7 апрель кунлари Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ташаббуси билан Тошкент шаҳридаги “Ҳазрати Имом” мажмуаси майдонида “Китоб – камолот калити” илмий-маърифий китоблар кўргазма савдоси ташкил этилди.

✓ Рамазон ойи муносабати билан “Вақф” хайрия жамоат фондининг Сурхондарё филиали Термиз шаҳридаги Имом Термизий ҳалқаро илмий-тадқиқот маркази ходимлари, Имом Термизий ўрта маҳсус ислом таълим муассасаси ўқитувчи ва талабалари ва диний соҳа ходимлари учун ифторлик дастурхонини ташкил этиди.

✓ 5 апрель куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров Имом Термизий ҳалқаро илмий тадқиқот маркази ҳамда Имом Термизий ўрта маҳсус ислом таълим муассасасига ташриф буюрди.

✓ 7 апрель куни Саудия Арабистони расмийлари умра зиёратчиларидан ўзлари билан катта миқдордаги нақд пул ёки қимматбаҳо буюмларни олиб юрмаслийка чақирди. Жумладан, Қироллик ҳудудига тилла қўйма, қимматбаҳо тошлар ва умуман қимматбаҳо металларни ҳамда 16 минг доллардан (60 минг Саудия риёли) кўп бўлмаган нақд пулни олиб кирмаслийни тавсия қилди.

✓ Саудия Арабистони тошбақа шаклида сузуб юрувчи шаҳар куришни режалаштироқда. Ушбу Теряҳтада савдо марказлари, боғлар, меҳмонхоналар, квартиralар ва бошқа обьектлар жойлашади.



«Кимки иззат истаса, бас, барча иззат Аллоҳниқидир. Унга хуш каломлар юксалур ва солиҳ амал кўтарур уни. Макр ила ёмонликлар қилганларга шиддатли азоб бордир. Ана ўшаларнинг макри ботил бўлур» (Фотир сураси, 10-оят).

“Кимки иззат истаса, бас, барча иззат Аллоҳниқидир”. Баъзилар айтади: “Ким Аллоҳдан ўзгага сифинадиганлардан ва санамларга ибодат қилиш билан куч-куват ва кудратли бўлишни истаса, **“Бас, барча иззат Аллоҳниқидир”**. Яъни, бу нарсани дунё охиратда Аллоҳдан сўранглар. Аллоҳ таолонинг ушбу ояти ана шу маънодадир: **“Кимки бу дунё савобини истаса, (билиб қўйсинки,) Аллоҳ ҳузурида ҳам бу дунёнинг, ҳам охиратнинг савоби бордир”** (Нисо сураси, 134-оят). Яъни, дунёю охиратдаги ўша нарсани Унинг ҳузуридан қидиринглар. Баъзилар: **“Кимки иззат истаса”**, яъни иззат ва қадр топишни истаса, **“Барча иззат Аллоҳниқидир”**, яъни дунё ва охират азизлиги сизлар ибодат қилаётган санамлар билан эмас, балки Аллоҳга ибодат қилиш билан бўлади, деб таъвил қилдилар. Мушриклар санамларга ибодат қилиш орқали икки ишни исташарди. Биринчиси азизлик.

Ҳадис шарҳи

Абу Айуб Ансорий розийаллоҳу анхудан ривоят қилинади. Расууллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Ким Рамазон рўзасини тутуб, сўнг унга шавволдан олтита (кун)ни эргаштирса (рўза тутса), йил бўйи рўза тутгандек бўлади”** (Имом Муслим ривояти).

Ушбу ҳадисдан шавволнинг олти кунида рўза тутиш суннатлиги келиб чиқади. Зоро, ҳадисда унинг фазилатини, деб зикр қилинмоқда. Яъни, бутун йил давомида рўза тутишга одатланган киши ҳақидадир. Жумҳур уламолар шундай дейишган. Аммо Имом Абу Ҳанифа ва Имом Молик раҳимаҳумаллоҳ бу кунлар рўзасини кариҳ қўришган. Унинг сабабини Имом Молик “Муватто”да бундай изоҳлаган: «Илм аҳли ва факихлардан унинг (шавволнинг) рўзасини тутадиган бирор одамни кўрмадим. Улар “Рамазон рўзасига бошқа рўзани кўшиш – жоҳилият ва жафо аҳлининг иши” деган маънода унинг бидъатлигидан хавотир қилишар эди».

Шунга кўра, хавотир қилинган ишдан омонда бўлинса, шавволнинг рўзасини тутиш мастаҳаб бўлади. Бу омонлик эса Рамазон ҳайити куни рўза тутмаслик билан юзага чиқади. Натижада Рамазон рўзасига шавволнинг рўзаси кўшилиб кетмайди. Шундан келиб чиқиб, ҳанафийлардан мутааххирлари

Иззат Аллоҳниқидир

Бунга Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи далил: «**Улар** (Макка мушриклари) **Аллоҳни қўйиб, ўзларига куч-кудрат бўлиши учун илоҳлар тутдилар**» (Марям сураси, 81-оят). Иккинчиси эса, куч-куват ва (хавфсизликни таъминловчи) кудрат. Бунга Аллоҳ таолонинг куйидаги ояти далил бўлади:

«(Йўқ, улар шукр қилмадилар, балки) **Аллоҳни қўйиб ёрдам олиш умидида** (ўзга) **худоларни тутдилар**» (Ёсин сураси, 74-оят). Буларнинг бари Аллоҳ таоло ва Унга итоат билан бўлишини хабар берди. Шунинг учун сифинаётган бут-санамлар ҳузуридан эмас, (эришмоқчи бўлган нарсангизни) Аллоҳнинг ҳузуридан қидиринглар.

Аллоҳ азза ва жалланинг: **“Унга хуш каломлар юксалур ва солиҳ амал кўтарур уни”** ояти хусусида уламолар турли хил фикр билдиришган. Баъзилар шундай деган: **“Унга хуш каломлар юксалур”** оядаги “хуш калом” сўзидан мурод бу чиройли ваъдадир, **“ва солиҳ амал кўтарур уни”** сўзи эса ваъдани амалга ошириш маъносидадир. Яъни, чиройли ваъдани амалга ошириб, унга вафо қилгач, ана ўша амалга ошириш берган чиройли ваъдасини кўтаради, деган. Баъзилар айтади: **“Унга хуш каломлар юксалур”** оядаги “хуш калом” бу тавҳид калимаси ва ихлосdir,

“Солиҳ амал кўтарур уни”, яъни Аллоҳга тавҳидни холис қилиш у айтган хуш сўзни кўтаради. Мана шутаъвилга кўра, Аллоҳ учун ихлос ила айтилмаган хуш каломлар Унга кўтарилмайди.

Баъзилар: **“Унга хуш каломлар юксалур”** сўзидан мурод тавҳид калимаси, дедилар. Бу биз айтган фикрга мос келади. **“Солиҳ амал кўтарур уни”**. Яъни, Аллоҳ таоло солиҳ амални эгаси учун кўтаради, яъни хуш калом эгаси учун кўтаради. Бу таъвилга кўра, солиҳ амал эмас, Унга хуш сўз кўтарилади. Баъзит таъвил ахллари айтадилар: “Хуш тавҳид калимаси солиҳ амалларни Аллоҳга кўтаради ҳамда шу сабабли солиҳ амалларни қабул қиласди”. Оятнинг зоҳирий маъносига кўра, хуш каломларни кўтарадиган нарса бу солиҳ амалdir. Бироқ бу борада биз келтирган маъно – валлоҳу аълам – тўғридир. Баъзилар: “Солиҳ амал хуш каломларни кўтаради”, дедилар.

Аллоҳ азза ва жалланинг: **“Макр ила ёмонликлар қилганлар”** сўзини таъвил аҳлининг кўпчилиги: “Ёмонлик қиладиганлар” маъносида, деганлар. Мушрикларнинг ёмон мақсадда қилган макрлари уларнинг Расууллоҳга қилган макрлари ҳамда У зотга берган озорлари бўлиши мумкин. Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи ана шу маънода: **“Кофири бўлганларнинг сизни асир олиш**

من كان يرید العزة فليه

العزّة جمیعاً إلیه يصعد

الْكَمْرُ الْطَّيِّبُ وَالْعَمَلُ

الصَّلٰحُ يَرْفَعُهُ وَالَّذِينَ

يَمْكُرُونَ الْسَّيِّئَاتِ لَهُمْ

عَذَابٌ شَدِيدٌ وَمَكْرٌ

وَلَيَكَ هُوَ يَوْرُ

ёки ўлдириш ёки (юртдан) чиқарип юбориш учун макр қилгандарини эсланг» (Анфол сураси, 30-оят). Аллоҳ таоло дунёда қатл ва ҳалок қилиш билан, охиратда эса шиддатли азоб билан макр қилади. Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради: “Охиратда уларга шиддатли азоб бор”. Бошқа оядда «Ана ўшаларнинг макри ботил бўлур», яъни ҳалок бўлур, деган (ябуур) сўзи (ба-ваарун) “ҳалокат” ўзагидан олинган бўлиб, “ҳалок бўлиш” маъносини ифодалайди. У ҳам бўлса, уларнинг Бадр жангидаги қатл қилинишидир.

Имом Абу Мансур МОТУРИДИЙнинг “Таъвилотул Куръон” асаридан

Шавволнинг олти кун рўзаси

шавволнинг рўзасини мустаҳаб санашган.

“Йил бўйи рўза тутгандек”-ни Имом Насоййнинг “Сунанул кубро”сидаги Саврон розийаллоҳу анхунинг ҳадиси изоҳлаб келган: «Расууллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам: **“Рамазон ойининг рўзаси ўн ойга, (шавволнинг)**

Ибрат

олти кунлик рўзаси иккى ойга барабардир. Мана шу бир йилнинг рўзасидир”, дедилар (чунки бир яхшиликка ўн баробар савоб ёзилади).

“Унга шавволдан олтита (кун)ни эргаштирса (рўза тутса)”. Афзали, ҳайит кунидан кейин кетма-кет олти кун тутишдир. Қолаверса, бу нафсга ҳам енгил бўлади. Чунки бир ой давомида рўза

тутиб юрган одамга яна олти кун рўза тутиш қийин кечмайди. Агар олти кунни шавволнинг охиригача бўлиб-бўлиб тутса ҳам, айтилган фазилатга эришаверади.

“Иъламул анам шарҳу Булугил маром” асари асосида Азизбек ХОЛНАЗАРОВ тайёрлади.

Улар уй ҳам қуришадими?..

Нуҳ алайҳиссалом замонида инсонлар 800–1000 йил умр кечирганлар. Бираёлнинг ўғли вафот этиби. У қаттиқ қайғуриб, ийғлабди. Қўшни аёллардан бири айтиби:

- Нимага бунча йиғлайсан?
- Албатта, шундай. Мен унга йиғламаяпман.

- Унда нега йиғлайпсан?
- Болам кўп яшамади деб, оналик шафқатим билан йиғлайпман.
- Боланг неча ёшда эди?
- 275 ёшда эди.
- Агар сен бунга йиғлайдиган бўлсанг, охирзамонда келадиган уммат нима қислин, умлари 50–60 йил бўлади.
- Жиддий айтаяпсанми?

Муҳаммад РАБҲОМИЙнинг “Ибратли воқеалар” китобидан

Танбех ва одоб беришда тутган чиройли йўллари*

Инсонларга танбех бериш уларга одоб ва таълим бериш йўлларидан бири ҳисобланади. Аммо танбех меъерида бўлмаса ёки ноўрин, бемаврид берилса, танбех берилаётган инсонга фойда эмас, зарар келтириши мумкин. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам танбехни ўз ўрнида, керак вақтда қўллар эдилар. Масалан, тарбия ва танбех бериш, бир ножӯя ишни қилган кишига таъна қилиш борасида турли йўллардан, бир неча устублардан фойдаланар эдилар. Бунда танбех тақозо этилаётган вазиятни ҳам албатта ҳисобга олардилар. Айрим ҳолатда ишора қилиш, баъзида сўз билан, баъзан мунозара билан, баъзан ўзларини четга олиш, баъзида эса ўз ҳолига ташлаб қўйиш билан койир эдилар. Айрим ҳолатларда муборак юзларида ғазаб аломатлари ҳам намоён бўларди.

Бир куни у зот Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анхумонинг сариқ ранги кийим кийиб олганини кўрдилар. Бундай кийимдан қайтарилгани учун: «**Онанг шунга буюрдими?**» дедилар¹. Шундан бошқа сўз айтмадилар. Чунки шу сўзниг ўзи ножоиз ишни тузатиш, яхшиликка ундаш учун етарли эди. Ривоятларда келишича, Ибн Умар розийаллоҳу анхумо уйга бориб, ўша кийими ёқиб юборган экан.

Пайғамбар алайҳиссалом баъзан кимнидир қаттиқ, койинган ҳолатлар ҳам бўлган. Лекин у зотнинг танбехлари ўша одам шундай муомалага лойиқ деб билганилар ёки қаттиқроқ гапирмаса таъсир қилмайди деб ўйлаганлари учун айтилмаган. Балки бундай танбех замирада катта ҳикматлар ётгани сабабли шундай қилганлар. Шундай ҳолатлардан бири Муоз ибн Жабал розийаллоҳу анху билан юз берган. Муоз розийаллоҳу анху ўз қавмининг масжидида имомликка ўтиб, қироатни жуда чўзиб юборди. Намозхонлар орасида шошилинч иши бор бир одам сафдан чиқиб, кетиб қолди. Муоз розийаллоҳу анху эса кетиб қолган одамни мунофиқа чиқарди. Маълумки, бу сўз жуда хатарли бўлиб, ундан куфр назарда тутилган. Шунда ҳалиги одам қаттиқ изтиробга тушиб, безовта ҳолда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келди ва Муоз розийаллоҳу анху



намозни чўзиб юборгани учун кетиб қолганини, бу иши учун мунофиқликда айбланаётганини айтиб, шикоят қилди. Шунда у зот Муоз розийаллоҳу анхуни чакиртириб: «**Эй Муоз, сен фит-начимисан?! Эй Муоз, сен фит-начимисан?! Эй Муоз, сен фит-начимисан?!**» деб койидилар. Бу сўз шикоят қилувчининг кўнгли олинганини, унинг шикояти эътиборсиз қолмаганини билдиради. Аслида намозни чўзган имомга қироатни енгил қилиш кераклигини айтиб қўйишнинг ўзи ҳам етарли бўларди. Хусусан, ҳалол-ҳаромни яхши билган Муоз розийаллоҳу анхудек зотга битта сўз кифоя эди. Лекин Пайғамбар алайҳиссалом бошқа тарафларни ҳам ўйлаб, у кишини қаттиқроқ койиганлар.

Бундай ҳолат Абу Зар розийаллоҳу анху билан ҳам юз берган. Абу Зар розийаллоҳу анху бир ҳабаш қулни: «Эй қоранинг боласи», деб ҳақоратлади. Қул хафа бўлиб, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга арз-шикоят қилди. У зот Абу Зар розийаллоҳу анхуни чақириб: «**Сенда ҳали ҳам жоҳилияят қолдиқла-ри бор экан. Унинг онасини ҳақо-рат қилибсан**», дедилар. Бу гап Абу Зар розийаллоҳу анхуга қаттиқ таъсир қилиб, ҳабаший қулдан кечирим сўради. Аслида Абу Зар розийаллоҳу анхуни бунчалик койиш шарт эмас эди. Лекин

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шикоят қилиб келган қулнинг ҳолини ўйладилар. Бу кул ранг ва жинс танламайдиган Ислом соясида омонлиқда ҳаёт кечирар эди. Шу боис Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни юпатиш, кўнглини олиш ва шикоятини беэтибор қолдирмаслик учун шундай қилган эдилар.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг одоб бериш услубларидан яна бири айбдорни ҳибс қилиб қўйиш эди. Ҳибс қилиш деганда зиндонга солиш, қамаб қўйиш тушунилмаслиги керак. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Абу Бакр розийаллоҳу анхунинг даврларида кимнидир қамаб қўядиган маҳсус жойнинг ўзи бўлмаган. Набий алайҳиссаломнинг ҳибс қилишлари деганда айбдор инсоннинг хоҳ масжида бўлсин, хоҳ уйида бўлсин, маълум бир нарсалардан фойдаланишини тақиқлаб қўйишлари тушунилади.

Имом Абу Довуднинг ривоятида келишича, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишини тухматда айблаб, ҳибс қилганлар. «Саҳих»да айтилишича, Сумома ибн Асолни масжиднинг бир устунига боғлаб қўйганлар.

Набий алайҳиссалом ва Абу Бакр розийаллоҳу анху даврларида ҳибс қилиш шундай бўлган. Умар розийаллоҳу анху ҳалифа бўлгач, Маккада бир ҳовли сотиб олиниб, қамоқхона қилиб қўйилган.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одоб бериш учун калтаклаш услубидан ҳам фойдаланар эдилар. Масалан, қулини қасддан ўлдирган кишини калтаклашга буюрганлар. «Ифқ» воқеасида Ойша онамиз розийаллоҳу анхо ҳақларида бўлмағур тухматлар тарқатган Мистоҳ ибн Усоса ва бошқаларни ҳам калтаклатганлар.

Сургун қилиб юбориш ҳам у зотнинг одоб бериш услубларидан эди. Набий алайҳиссалом Ҳакам ибн Абу Осни Тоифга сургун қилганлар. Зино қилган қуллар ва аёлларнинг орасига кириб юрадиган хунасаларга дарра урилиб, сургун қилинган.

**Сайид Муҳаммад Ҳасанининг
“Икки олам сарвари” асаридан
Фиёсиiddин ҲАБИБУЛЛОХ**
таржимаси

¹ Имом Муслим ривояти.

Масала

Беморлик, майит ва Дафнга доир фатволар

379-ФАТВО

Мабодо bemor ўлими олдидан куфр сўзларини айтиб юборган бўлса ҳам, унга кофир ҳукми берilmайди, балки у ҳамма мусулмонлар каби дафн қилинади.

«Оламгирия», «Фатхул Қадир»

380-ФАТВО

Жон бераётган bemornинг хузурида аҳли салоҳ, улуғ одамларнинг ҳозир бўлиши яхшидир. Унинг ёнида Ёсин сурасини ўқиб туриш мустаҳаб саналади. Беморнинг атрофида хушбўй нарсаларнинг муаттар ҳид таратиб туриши ҳам фойдалидир.

«Оламгирия», «Муня», «Зоҳидий»

381-ФАТВО

Жони узилаётган bemornинг ёнида жунуб ёки ҳайзли аёлларнинг бўлиши макруҳ эмас.

«Оламгирия», «Қозихон»

382-ФАТВО

Беморнинг жони узилиши биланоқ, унинг энг яқин кишиси ип билан эмас, энли латта билан иягини бошига тортиб боғлайди. Кўзлари очиқ қолган бўлса, юмиб қўяди. Кийимлари ечиб олиниб, ердан баландроқ жойга – тахта ёки матоҳ билан ёпиб қўйилади. Иссик кунларда бўлса, қорнига темирдан ясалган нарса қўйилади. Ўлими тўғрисида одамларни хабардор қилиш мустаҳабдир. Имкони борича майитни тезроқ ювиб, кафанлаб, жанозасини ўқиб, дафн этилади. Касал бўлмай, тўсатдан вафот этган киши то ўлимининг сабаби аниқланмагунича дафн этилмай туради.

«Оламгирия», «Жавҳара», «ас-Сирож»

383-ФАТВО

Майит ювилмай туриб, унинг хузурида Куръон тиловат қилиш макруҳдир.

«Оламгирия», «Табийин»

384-ФАТВО

Ҳомиладор аёл ўлиб қолса ва қорнидаги боланинг қимирлагани маълум бўлса, Имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳнинг сўзига кўра, онанинг қорнини ёриб, бола чиқариб олинади.

«Оламгирия», «Қозихон»

5-бетда

*Давоми, бошланиши ўтган сонларда.

Имом Қудурийнинг ҳанафий фиқҳи ривожига қўшган ҳиссаси

“Имом Қудурий” номи билан машҳур бу зотнинг тўлиқ исми Абул Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Жаъфар ибн Ҳамдон Қудурий Бағдодий бўлиб, 362 ҳижрий йил дунёга келган. 428 йилда ражаб ойининг 5-куни душанбада Бағдод шаҳрида 66 ёшда вафот этган. Ўзининг ҳовлисига дағн этилган. Бир қанча тарихчилар, хусусан, Ибн Ҳалликон айтишича, олимнинг жасади кейинроқ Мансур кўчасидаги қабрга кўчирилган ва у ерда Абу Бакр Жассос Розийнинг шогирди Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий (ваф. 403 ҳ.й.) нинг қабри ёнига дағн қилинган¹.

Қудурий сўзи баъзи манбаларда Бағдод яқинидаги қишлоқномига нисбат берилган бўлса, баъзиларида Бағдоддаги маҳалла номига нисбат, дейилади. Яна бошқа манбаларда эса, у зот қозон тижорати билан шуғуллангани ёхуд ўзлари ёки ота-боболари қозон ясаш касби билан шуғулланганлари учун “Қудурий” – қозончи номини олгани айтилади.

Имом Қудурий илмли, фазилатли, диндор оиласда улғайдилар. Оталари шайх Муҳаммад ибн Аҳмад олим ва муҳаддис эди². Аҳмад отаси тарбияси остида улғайиб, турли фанларни, хусусан, фикҳ ва ҳадисни оталаридан ўргандилар.

Аллоҳ таоло у зотга Абу Бакр Муҳаммад исмли ўғил фарзанд атоқилган. Ўғиллари 440 ҳижрий йилда вафот этган.

Имом Қудурий машҳур “Мухтасарул Қудурий” асарини мана шу фарзандлари учун жамлаганлар.

Қудурий яшаган замонда Бағдода илмий фаолият кучли ривожланган бўлиб, буни мадрасалар ва кутубхоналарнинг кўплигида, дарс ҳалқалари, илмий мунозараларнинг кенг тарқалганида, бир қанча фанлардан кўплаб буюк имомларнинг етишиб чиққанида кўриш мумкин. Шубҳасиз, бу каби илм ва олимлар билан тўлиб-тошган мұхит Имом Қудурийдек буюк имомни етишириди.

Устозлари

Имом Қудурийнинг таржимаи ҳолини келтирсанлар у зотнинг фақатгина асосий устозларини зикр қилиш билан кифояланганлар. Улар куйидагилар:

1. “Ҳавшаб” номи билан танилган Абул Ҳусайн Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Аҳво ибн Авом ибн Ҳавшаб Шайбоний (294–375) раҳимахуллоҳ. Қудурий бу зотдан ҳадис ўрганиб, ривоят қилганлар. Ўзларининг ҳадис борасидаги тўпламларида ҳам айнан шу зотдан ривоят қилган ҳадисларини келтирсанлар.

2. Муаддид, имом, муҳаддис Абу Бакр Муҳаммад ибн Алий ибн Сувайд (ваф. 381 ҳ.й.) раҳимахуллоҳ. Имом Қудурий бу зотдан ҳадис ўрганиб, ривоят қилганлар. Ўзларининг ҳадис борасидаги тўпламларида ҳам айнан шу зотдан ривоят қилган ҳадисларини келтирсанлар.

3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Яхъе ибн Маҳдий Журжоний Ҳанафий раҳимахуллоҳ. Бу киши ҳанафий фақиҳлари орасида буюк зотлардан бири бўлиб, Имом Абу Бакр Жассос Розийнинг шогирди ҳисобланадилар. Имом Қудурий мана шу зот қўлида фиқҳни ўргангандар. Бу зот 398 ҳижрий йилда вафот этиб, Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг қабрлари ёнига дағн этилганлар.

6. Абу Ҳорис Муҳаммад ибн Абул Фазл Муҳаммад Сарахсий (вафот ийлари номаълум) раҳимахуллоҳ. Бу зот ҳам буюк фақиҳлардан бўлганлар. Абу Ҳорис Имом Қудурийнинг ҳузурларида эканида Имом Қудурий у киши ҳақида: “Хурросондан денгиз ошиб келганлар орасида ундан кўра фақиҳроғи йўқ”, дедилар.

Муғаззал ибн Масъуд ибн Муҳаммад Яхъе Таннухий (ваф. 423 ҳ.й.) раҳимахуллоҳ. Бу зот қози, фақиҳ, нахъ олими бўлган. Бир қанча китоблар мұаллифи бўлиб, улар орасида “Ахборун наҳавийин”, “Рисола фи вужуби ғослир рижлайн” китоблари машҳур.

Шогирдлари

Шубҳасиз, Имом Қудурий тарбиялари остида кўплаб толиби илмлар етишиб чиққан. Бироқ тарожум китобларида⁴ уларнинг фақат машҳурларигина ривоят қилинган, холос. У зотнинг асосий шогирдлари куйидагилар:

1. “Хатиб Бағдодий” номи билан танилган Абу Бакр Аҳмад ибн Алий ибн Собит Бағдодий Шофеъий (ваф. 463 ҳ.й.) раҳимахуллоҳ. Бу зот имом, фақиҳ, муҳаддис, ҳофиз, машҳур тарихчи бўлиб, кўплаб китоблар ёзганлар. Машҳур “Тариху Бағдод” асарининг муаллифи ҳисобланади.

2. “Ақтаб” номи билан машҳур бўлган Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Бағдодий (ваф. 474 ҳ.й.) раҳимахуллоҳ. Бу зот имом, кўзга кўринган ҳанафий фақиҳи бўлиб, “Мухтасарул Қудурий” китобига шарҳ ёзганлар.

3. Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Сарахсий (ваф. 439 ҳ.й.) раҳимахуллоҳ. Бу зот имом, фақиҳ, қози, обид, зоҳид зотлардан бўлганлар. “Такмилаттут тажрид лил Қудурий” китобининг муаллифи.

4. Абул Қосим Абдулвоҳид ибн Алий ибн Бурҳон Акбарий (ваф. 456 ҳ.й.) раҳимахуллоҳ. Бу зот ҳам кўплаб китоблар мұаллифи ҳисобланадилар.

5. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Алий ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдулмалик Домигоний (ваф. 478 ҳ.й.) раҳимахуллоҳ. Бу зот қозилар қозиси, имом, ҳанафий фақиҳ бўлиб, ўз замонида ҳанафий уламолари орасида кўзга кўринган зотлардан бўлганлар. Бу киши машҳур имом Ибн Ақил Ҳанбалийнинг устози саналади. У зот донишманд, фазилати комил, фикри тўғри, камтар зотлардан бўлган. У зотни камтарлик, раҳбарлик, обрў-этиборда Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳига ўхшатишган. “Шарҳу мухтасарил Ҳоким” китобининг муаллифи ҳисобланади.

6. Абул Ҳорис Муҳаммад ибн Абул Фазл Муҳаммад Сарахсий (вафот ийлари номаълум) раҳимахуллоҳ. Бу зот ҳам буюк фақиҳлардан бўлганлар. Абу Ҳорис Имом Қудурийнинг ҳузурларида эканида Имом Қудурий у киши ҳақида: “Хурросондан денгиз ошиб келганлар орасида ундан кўра фақиҳроғи йўқ”, дедилар.

Муғаззал ибн Масъуд ибн Муҳаммад Яхъе Таннухий (ваф. 423 ҳ.й.) раҳимахуллоҳ. Бу зот қози, фақиҳ, нахъ олими бўлган. Бир қанча китоблар мұаллифи бўлиб, улар орасида “Ахборун наҳавийин”, “Рисола фи вужуби ғослир рижлайн” китоблари машҳур.

Имом Қудурийнинг илмий марта-балари ва уламоларнинг узот ҳақидағи фикрлари

Имом Қудурий раҳматуллоҳи алайҳининг таржимаи ҳолларини ўрганган олимларнинг барчалари у зот ҳанафий шайхи, ўз замонида ҳанафийлар пешвоси эканини таъкидлайдилар. У зот ҳақида шогирдлари Хатиб Бағдодий (ваф. 463 ҳ.й.) шундай дейди:

“У зот кўп ҳадис ривоят қилмаганлар. Мен у зотдан ривоят қилган ҳадисларини ёзиб олганман. У киши ўта ростгўй киши, Ироқда Абу Ҳанифа асҳобига бошчилик қилиш дарајасига етган, ҳанафийлар орасида қадри буюк, обрўси баланд зот эди”⁵.

“Ҳидоя” китобининг шарҳи бўлган “Фоятул баён” китоби муаллифи Имом Амир Котиб Итқоний Атрозий (ваф. 751 ҳ.й.) шундай деган: “Шайх Абул Ҳасан Қудурий раҳимахуллоҳ фикҳда тўлиб-тошган денгиз, ҳадисда шаррос ёмғир эди. У зотнинг “Мухтасарул Кархий”га ёзган шарҳининг ўзи қанчалар олим зот эканига кифоя қилади. Агар сиз ушбу китобни мутолаа қўлсангиз, у зотнинг фиқҳдаги ўрни ҳар ким ҳам ета олмайдиган Айюқда⁶ эканини англайсиз!”⁶.

Имом Кураший (ваф. 775 ҳ.й.) “Жавоҳирул музийя” китобида шундай дейди: “Қудурий ибораси гўзал, тили енгил, доимий Қуръон тиловат қиувучи зот эди”.

Имом Ибн Касир (ваф. 774 ҳ.й.) “Бидоя ван ниҳоя” китобида шундай дейди: “У зот буюк имом, олим, (толиби илмлар томонидан) ёдланниладиган “Мухтасар” китобининг муаллифи эди”.

Имом Қудурий ҳадис ўрганиш, уни устозлардан эшитишга алоҳида этибор қаратганди. Бироқ ўзи оз ҳадис ривоят қилган бўлиб, уларни Хатиб Бағдодий ва бошқа шогирдлари ривоят қилишган. Имом Захабий у кишини “Ҳадис ҳофизи” деб айтган ва “Тазкиратул хуффоз (Ҳофизларнинг тазкираси)” номли китобида у кишининг таржимаи ҳолларини келтириб ўтган.

Абдуллоҳ Қосим,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
докторанти

¹ Қози Ибн Ҳалликон. Вафаётул аъён. Дору садр, 1-жилд, 1998. 79-бет.

² Абдулқодир ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Насруллоҳ Кураший. Жавоҳирул музийя, 3-жилд, 29-бет. Муҳаммад Абдулҳак Лакнавий. Фавоидул баҳийя. Коҳира: Дорул китоб, 2001. 157-бет.


³ Абдулқодир ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Насруллоҳ Кураший. Жавоҳирул музийя, 3-жилд, 248-бет.

⁴ Тарожум китоблари – уламоларнинг таржимаи ҳоллари ёзиладиган китоблар.

⁵ Абу Бакр Аҳмад ибн Алий ибн Собит Хатиб Бағдодий. Тариху Бағдод. 4-жилд. Байрут: Дорул гарбуз исломий, 2002. 377-бет.

⁶ Айюқ – Аравакаш юлдуз туркумининг энг равшан юлдузи бўлган Капелла юлдузи.

⁷ Бу маълумотни Имом Бадруддин Айнин “Ал-Биноя” асарининг “Ҳаж китоби” “Муздалифадан юриш” бобида келтирган. 5-жилд, 126-бет.



Нажот – илму маърифатда

Бугунги кунда дунёning турли ёвуз нияти кучлари ўз мақсадлари йўлида қабиҳликнинг барча усул ва воситаларидан максимал даражада фойдаланишга уринмоқдалар. Бундай кучлар эндиликда халқларнинг эътиқодини, маънавиятини бузишга, ёшларнинг онгини заҳарлашга, асрлар мобайнида давом этиб келаётган миллий қадриятларни йўқотишга ўтди. Бу йўлда улар ахборот воситаларининг деярли барча турларидан, жумладан, газета, журнал, телевидение, интернет ва ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланмоқда.

Диннинг асл моҳиятини бузиб талқин қиласиган экстремистик тузилмалар бутун халқ ва жамиятда тартибсизлик ва парокандаликни юзага келтириш, асосий таҳдид манбаи сифатида одамлар онгу шуурини эгаллаш, жамиятда бекарорлик келтириб чиқариш орқали ҳокимиютга эришишмоқчи бўлишади. Уларнинг энг кўзга кўринган белгилари куч ишлатиб,

ҳаддан ошиш, қўполлик қилишларидир. Мазкур қўполликни улар “жиҳод” деб номлашади. Аслида эса уларнинг ҳаракатлари илмий тилда “террор”, Ислом манбаларида “хуруж” деб аталади.

Улар ўзларининг мутаассибона манфур ишларини дин йўлида хизмат деб ҳисоблашади. Ўзларига эргашмаганларни тўғридан-тўғри “кофир”га чиқаришади ва жонига тажовуз қилишади. Энг ачинарлиси, улар ўз қилмишларга Китоб ва суннатдан далил ҳам келтиришади. Ҳолбуки, Пайғамбаримизнинг муборак ҳадисларида: “**Ким бизларга қарши қурол кўтарса, у биз** (Ислом аҳли) **дан эмас**”, дейилган (Имом Ибн можа ривояти).

Бугунги мағкуравий курашлар, хатарли ахборот хуружлари кучайган бир пайтда, даврнинг ўзи ҳар бир инсондан ён-атрофга нисбатан, кириб келаётган ҳар бир янгилик ва янги ахборотларга хушёр ва эътиборли бўлиш, уларнинг ҳаққонийлигини яхшилаб текширишни тақозо этади. Бунинг учун

эса, албатта, илму маърифат керак бўлади.

Динимизчалик илму маърифатни улуғлаган дин ёки тузум йўқ. Чунки Ислом инсонларни бешикдан то қабргача илм излашга, ўзи аниқ билмаган нарсаларига эргашмасликка буюрган. Шундай экан, ёшларимизга соф Исломни танитишда ўзимиз кўпроқ масъулмиз. Фарзандларимизнинг ақлли, одобли, яхши билан ёмоннинг фарқига борадиган – илму маърифатли бўлиб вояга етишида, албатта, ота-оналарнинг ўрни бекиёс. Бу борада маҳалла, мактаб ва ўқув даргоҳлари – бутун жамоатчилик ҳам ота-онага ёрдам беришлари керак. Қайси худудда мухит соғлом бўлса, ўша ерда соғлом иммунитетли – солиҳ ва фозил кишилар кўпаяди. Бундай жамият ҳар турли ғаразли мағкура ва ғоялардан омонда бўлади.

Хасанбой КЕНЖАЕВ,
Урганч шаҳар бош имом-хатиби

Мулоҳаза

Куръони каримда бундай марҳамат қилинади: «**Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга холиставба қилинглар!** Шоядки, Раббингиз гуноҳларингизни ювса ва сизни дараҳтлари остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритса...» (Таҳрим сураси, 8-оят).

Тавба – нажот, саодат қалитидир. Аллоҳ таоло тавба қилувчиларни севади.

Бобораҳим Машрабнинг “Тавбадур” радифли мухаммасида шундай мисра бор:

“Чун Насуҳнинг тавбасин Куръонда ёд этди Илоҳ...”

Таҳрим сурасида келган “насуҳан” сўзини шоир икки маънода қўллаган. Биринчиси, “холис”, “чин қалбдан”, “самимий” деган маънода бўлса, иккениси, Насуҳ – чин тавба қилган инсоннинг номи.

Хўш, Насуҳ ким? Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавий” сида қўйидаги мазмунда ривоят келади:

Қадим замонда Насуҳ деган одам бўлган. У аёллар ҳамомомида хизмат қиларди. Юзида соқол-мўйлови йўқ, овози ҳам аёлларнига ўхшаш бу одамнинг эркак киши эканини бирор билмасди. Кунлардан бирида қилаётган иши оғир гуноҳлигини англаб етиб, тавба қилади. Аммотарки одат қилолмай, тавбасини бузади. Бир куни валий зотлардан бирининг хузурига бориб, ҳолини

Тавбаи насуҳ нима?

англатиб, дуо қилишини сўрайди. Шундан кейин ҳам яна ўша гуноҳни давом эттиради. Бир куни ҳамомомга малика ташриф буюради. Шу ерда унинг қимматбаҳо мавариди йўқолади. Ҳаммом эшиги тамбаланиб, ҳамма маржонни қидиришга тушади. Хизматчиларни ҳам текшира бошлашади. Танг аҳволда қолган Насуҳ чин юракдан тавба қилиб, Аллоҳга ёлворади, сўнгги имкон сўрайди, шармандали ўлимдан кутулиб қолса, қайта бу ишни қилмасликка онт ичади.

...Навбат Насуҳга етганда “Марварид топилди!” деган хитоб эшитилади. Насуҳ ҳам шармандалидан, ҳам ўлим топишдан омон қолади. Шунда уни чақириб, маликани ювинтиришини сўрайдилар. Аммо Насуҳ ҳаммомдан тез ҷициб кетади, қайтиб тавбасини бузмайди.

Тавба қилдим, бузмагайман,
Эй Худо,
Бўлмагунча токи жон
тандин жудо.

Кўринадики, Мавлоно Румий Куръони каримда зикри келган “насуҳ” сўзини ўз ҳикояти ҳаҳрамонига ном сифатида келтирган. Адабиётшунос олим А.Тилавов таъбирича, “Астойдил қилинган тавба маъносидаги “насуҳ” сўзини одамнинг исми, ҳикоя ҳаҳрамони сифатида қаламга олган”.

Бунинг ҳосиласи – ушбу сўзинг залвори янада ошган.

“Тавба тил билан истиғфор айтиш ва ўша гуноҳга иккинчи марта қайтмасликни ният қилишдир. Агар ўшандай қилса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қиласи, гарчи катта гуноҳ бўлса ҳам. Чунки Аллоҳ бандаларига раҳмлидир” (Рабисадан зикр қилинди).

Насуҳ чин тавба қилгачгина гуноҳлари кечирилди, юзи қораликдан халос бўлди.

Ҳа, биз бандамиз, баъзан билб-билмай ҳатолар содир этамиз. Яратганинг меҳрибонлиги, бандаларига раҳму шафқати туфайли тавба қилсан, улар кечирилди. Демак, тавба йўлини қаттиқ тушибимиз керак.

Дилором КАРИМОВА,
филология фанлари номзоди, доцент



Масала

3-бетда

385-ФАТВО

Майитни ювиш тириклар зиммасидаги вожиб амалларданdir. Бир марта ювиш – војиб, уч марта ювиш – суннат. Майиттакта устига ётқизилган ҳолда ювилади. Таҳта бир ёки уч ёхуд 5 марта мижмар (исириқقا ўхшаш ўд номли хушбўй гиёҳ) билан дудланади. Майитнинг аврати (киндингидан то тиззасигача) бирор матоҳ билан ёпиб қўйилади.

«Оламгиря», «Захиря», «Хидоя»

386-ФАТВО

Майит ювилганда истинжо ҳам қилдирилади. Бу Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг сўзиидир. Fassol бунинг учун кўлига латта ўраб олади. Сўнгра балоғат ёшида бўлса, таҳорат қилдиради. Оғиз-бурунлари чайилмайди. Юзидан бошлаб илиқ сув билан ювилади. Бошига масҳ ҳам тортилади. Чап ва ўнгига ағдаби ювилади.

«Оламгиря», «Муҳит», «Жавҳара», «Қозихон», «Захиря»

387-ФАТВО

Майит юваби бўлингач, ўтқизиб, қорни аста силаб қўйилади. Бирор нарса чиқса, фақат ўша жойи ювилади, холос. Соч ва соқоли таралмайди, тирноклари олинмайди, мўйлаби ҳам қайчилашмайди, кўлтиқ ости туклари ҳам юлинмайди.

«Оламгиря», «Муҳит»

388-ФАТВО

Майит сув остидан топилган бўлса ҳам, ғусл қилдирилади. Аммо сувдан олмай туриб, ғусл қилдириш нияти билан жасадни у ёқ-бу ёқа тўнтариб, сўнгра олинса, ғусл ўрнига ўтади.

«Оламгиря», «Тажнис», «Бадоеъ»

389-ФАТВО

Жасад узоқ туриб қолгани туфайли айниб, қўл билан силашнинг имкони бўлмаса, устидан сув қуйиб ювилади.

«Оламгиря», «Татархония»

390-ФАТВО

Туғилган чақалоқ овоз чиқариб ёки қимирлаб, сўнг ўлган бўлса, унга ном қўйилади, ювилади ва жанозаси ўқилади. Ўлик ҳолда туғилган чақалоқка ном қўйилмайди, жаноза ўқилмайди, ювиб, бир латтага ўраб кўмилади. Чақалоқнинг тирик туғилгани тўғрисида туқсан она ёки туғидирган доянинг гувоҳлиги қабул қилинади.

«Оламгиря», «Хидоя», «Музмарот»

3-бетда



Олтинга тенг тавсиялар

"Ўғлим! Google, Facebook, Twitter, WhatsApp, Telegram, Instagram ва барча ижтимоий тармоқлар бамисоли тубсиз денгиздир. Унда қанчадан-қанча кишиларнинг ахлоқлари ғарқ бўлган, ақллари чўккан. Уларнинг ичидагигитлар ҳам, қариялар ҳам бор... Унинг тўлқинлари ифратли қизларнинг ҳаёсини ютиб юборган... У жуда кўп халойиқни ҳалок қилган. Унга шўнғиб кетишдан огоҳ бўл. Интернетда гўёки асалари каби бўл, аввало ўзингга, кейин ўзгаларга фойда келтиришинг учун саҳифаларнинг энг покизасини зиёрат қил.

Ўғлим! Пашша каби гулга ҳам, гўнгга ҳам қўниб, ўзинг билмаган ҳолда касалликларни ташима...

Ўғлим! Интернет катта бозорга ўхшайди. У ерда ҳеч ким молини текинга тарқатмайди. Ҳамма муқобилига бирор нарса хоҳлайди. Кимдир молининг муқобилига одоб-ахлоқни олмоқчи бўлади, кимдир шубҳали фикрларини тарқатмоқчи бўлади... Яна кимдир шуҳрат қозонгиси келади... Яна кимдир жамиятни ислоҳ қилмоқчи бўлади... Молни яхшилаб текширмагунингча сотиб олма.

Ҳикматлар хазинаси

Аллоҳнинг ҳудуди

«(Улар) тавба қилувчилар, обидлар, ҳамда айтувчилар, рӯздорлар, руку этувчилар, сажда қилувчилар, яхшиликка буюрувчилар, ёмонликдан қайтарувчилар ва Аллоҳнинг ҳудуди (буйруқлари) ни риоя қилувчилардир. Мўминларга хушхабар беринг!» (Тавба сураси, 112-оят).

Қуръони каримнинг кўп ўринларида "Аллоҳнинг ҳудуди"ни муҳофаза қилиш зикр этилган. Бу жуда пурмаъно истилоҳ. Аллоҳнинг буюрган ҳукмлари ҳудуд ва чегаралар билан ўралган. Ҳукмлар ўша ҳудудда туриб, чегарадан ошмай адo этилсагина, дуруст ва яхши иш деб ҳисобланади. Агар ҳудуддан чиқиб кетилса, яхши иш номақбул, баъзан эса, гуноҳга айланиб кетади. Масалан, ибодат қилиш энг яхши ва савобли иш. Лекин бандаларнинг ҳақларини поймол қиладиган даражада ибодатга шўнғиб кетиш номақбул иш. Таҳажжуд – фазилатли улуғ намоз. Лекин уни бошқаларнинг уйқусига халақит берадиган қилиб ўқиш ножоиз. Ота-онага хизмат қилишдан кўра улуғроқ нафл ибодат йўқ. Бироқ уларнинг хизматини деб аҳли аёли ва фарзандларининг ҳақларини зое қилиш гуноҳ. Эҳтимол, мана шу сабаб, мазкур ояти каримада ҳам бир қанча яхши ишлардан сўнг, Аллоҳнинг ҳудудини риоя қилиш зикр этилмоқда. Яъни, "Мўминлар ушбу гўзал ишларни Аллоҳ белгилаб қўйган чегарадан чиқмаган ҳолда

Ўғлим! Миш-мишларни ва бўлмағур латифаларни тарқатишдан, ҳаром нарсаларни қўчириб ёйишдан ҳазир бўл!

Билгин, сен бу яхши ва ёмон нарсалар билан тижорат қилмоқдасан. Товарингни бировга таклиф қилишингдан олдин поқизасини танлаб ол, чунки мижоз сендан маслаҳат сўраб ўтирумайди, сотиб олаверади.

Ўғлим! Бирор нарса остига фикр ёзиб қолдирмоқчи бўлсанг, яхшилаб ўйла, бу гапларинг Аллоҳни рози қиласидими, йўқми?!

Ўғлим! Кўзинг билан кўрмаган инсон билан дўст тутинма. Одамларга ёзган нарсалари орқали ҳукм чиқарма... Чунки уларнинг исмлари ясама, суратлари сохта, ахлоқлари безалган, сўзлари ёқимли, юзларида ниқоб, ростлари ёлғон бўлиши мумкин. Қанчадан-қанча олимликни даъво қилганлар қип-қизил жоҳил, гўзаллар бадбашара, сахийлар зиқна, жасурлар қўрқоқ... Аллоҳ раҳматига олганигина мустасно. Сен ҳам Аллоҳ раҳматига олганлар сафиди бўл.

Ўғлим! Ўзларига сохта исм қўйиб оладиганлардан эҳтиёт бўл. Чунки улар ўзларига

ишонмайдилар. Ўзига ишонманга сен ҳам ишонма. Сен ҳам бирорнинг исмини қўйиб олма, чунки Аллоҳ сирни ҳам, ундан-да маҳфиюроғини ҳам билиб туради.

Ўғлим! Сенга озор берганга озор берма. Сен ўзингнинг, у ўзининг ахлоқини намойиш қиласиди. Сен бу ишинг билан ўз ахлоқингни кўрсат, унинг ахлоқини эмас... Қозон – ичидаги нарсаси билан тошади.

Ўғлим! Ёзаётган нарсангни саралаб ол... сен ёзасан, фаришталар ҳам ёзишади. Аллоҳ барчани кузатиб, ҳисоб-китоб қилиб туради.

Ўғлим! Даҳшатли интернет денизида сен учун энг қўрқадиган нарсам ҳаром, фисқу фужур, беҳаёе нарсаларни томоша қилишингдир.

Агар ушбу ҳаром нарсалардан четлаб ўта олсанг, интернетдан ўзингнинг манфаатинг учун фойдалан, жамиятинг билан мулоқот қил, эзгулик улашишга ҳаракат қил. Агар ҳаром нарсалар гирдобида қолганингни кўрсанг, интернет дунёсидан йиртқич ҳайвондан қочганингдек қоч, чунки қиёматда дўзах борадиган жойинга, ҳақ-хуқуқини топтаган инсонларинг хасмингга айланишади.

Ўғлим! Шайтоннинг қармоғига

ғафлатда қолганлар, шаҳватга берилганлар илинади. Бу иккиси интернетнинг устунларидан ҳисобланади. Интернет ғафлатинг учун эмас, хизматинг учун яралган. Сен уни иккى дунё манфаатинг учун ишлат, у билан келажа-гингни кур, сени бузиб, ер билан яксон қилишига йўл қўйма! Охиратда сенинг фойдангга хужжат бўладиган қил, зиёнингга хужжат қиласиди! Аллоҳ барчамизни тўғри йўлидан адаштирасин!"

Муҳаммад Али
МУҲАММАД ЮСУФ



бажарувчилардир", дейилмоқчи. Бу худуд-чегараларни Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларининг қавллари ва феъллари билан таълим берганлар. Аллоҳнинг худудларини яхши билиб олишнинг энг мақбул ва осон йўли – Аллоҳнинг бирор дўсти (валий бандаси) билан ҳамсұхбат-ҳамроҳ бўлиш (ёнида юриб, унинг амал тарзини ўрганишдир).

Муҳаммад Тақиј УСМОНИЙ,
“Осон таржимаи Куръон”

Мол-дунё ташвиши

Зи давлат нест жуз ташвиши хотир ҳосили дигар, Бузургий мояи тўфон бувад пайваста дарёро.

Таржимаси: Молу давлатнинг кўнгилни ташвишга қўйишидан бошқа самараси йўқ. Дарёнинг катталиги ҳамиша тўfonга сабаб бўлади.

Кишининг мол-давлати кўпайган сари қалбидаги ташвиши ва безовталиги ҳам ортиб бораверади. Соиб раҳимаҳуллоҳ мол-дунёни сувга, қалбдаги ташвиш-изтиробни тўлқинга ўхшатмоқда. Дарё сувининг кўпайиши унинг вазминлашиб, сокин бўлишига эмас, аксинча, даҳшатли тўлқину тўfonларга сабаб бўлади. Худди шу каби, мол-давлат кўплиги қалбга хотиржамлик, роҳат, сокинлик келтириш ўрнига ғам-ташвишларга, руҳий безовталикларга мубтало қиласиди. Биз роҳат келтиради

деб ўйлаган нарсаларимиз аслида роҳатнинг асбоби, воситаси, холос. Ҳақиқий роҳат – қалб ороми эса Аллоҳ таолонинг қўлидадир. Уни ўзи хоҳлаган бандасига ҳеч бир сабаб-воситасиз ҳам бериши мумкин. Баъзиларни эса, барча сабаб-воситаларнинг мавжуд бўлишига қарамай, роҳатдан маҳрум қиласиди. Демак, роҳат-ҳаловат одамлар ўйлаганидек, мол-дунёда эмас, балки қалбда бўлар экан. Баъзи кишилар борки, уларнинг уй-жойлари, таомлари, маркаблари, ҳатто Ҳорун Рашидининг ҳавасини келтиради. Бироқ қалблари хотиржам бўлмагани учун шунча ноз-неъмат, тўкин-сочинлик уларга роҳат-ҳаловат беради. Энг юмшоқ ётоқларда ётсалар ҳам, то тинчлантирувчи дори ичмагунларича ухлай олишмайди. Улар кун бўйи мардкорлик қилиб чарчаб келган камбағалнинг кечаси қаттиқ ерда хуррак отиб, маза қилиб ухлаётганини кўриб, ҳасадлари келса, ажаб эмас. Чунки бу бечорада роҳат асбоби бўлмаса ҳам, роҳатнинг ўзи бор. Бошқача айтганда, унинг сузиги кетаётган дарёси кичик, суви оз бўлгани учун тўлқинларга учрамайди, қайни чайқалмайди. Мабодо, қайнига бирор шикаст етса ҳам, ўзи чўкиб кетмайди, балки осонгина қирғоқча чиқиб олади.

Аллоҳ таоло барчамизга дунё ва охиратнинг ҳақиқий роҳатини насиб қилсин! Ўзидан ғоғил қиласиди, қалбларга тўфон бўладиган, хотиржамлигимизга путур етказадиган баракотсиз молу дунёдан паноҳ берсин!

“Мажолиси ҳакимул умма” асаридан
Ёрқинжон ФОЗИЛОВ таржимаси.

Илҳом ва васваса

Ишлар оқибатига кўра баҳоланғанидек, оқибатнинг ҳам ибтидоға боғлиқ жиҳатлари мухим аҳамият касб этади. Ҳар бир иш ўз асосига кўра хайрли бошланса, унинг давоми ва ниҳояси ҳам яхши кечади. Аммо хайрли ишнинг ибтидода қандай бошланганини билиш мумкинми? Унинг қандай аломатлари бор? Абу Абдулоҳ Мұхаммад ибн Али ибн Ҳасан Ҳаким Термизий бу масалага ўзининг “Ақл ва ҳаво” номли рисоласида тўхталиб ўтган. Ундан маънолар кишини сергакликка, ўзини тафтиш қилишга ундейди ва, албатта, агар ўзини бу масалада ислоҳ қила оладиган бўлса, улкан ютуқларга эришишига сабаб бўлади.

Мұхаммад Ҳаким Термизий ақлнинг эллик ёрдамчиларидан бири сифатида санаб ўтган илҳом ҳақида қўйидагиларни ёзди: “Илҳомнинг турдоши – яхшиликка далолат. Яхшиликка далолатнинг зидди – ёмонликка далолатдир. Ёмонлика далолат ва васваса турдошdir. Илҳомнинг зидди – васваса. Ҳар бир мўмин учун илҳомни васвасадан ажратиб олиш лозимdir. Агар буни билишни хоҳласанг, амалга

киришган пайтингда назар сол: агар қалбингда шошқалоқлик ва унга киришишингдан олдин сенда мавжуд бўлган унинг оқибатидан хавф қилиш кетганини ва бу ишнинг ҳаловати сени эгаллаб олганини кўрсанг, унда билгинки, бу васвасадир ва бу ишга сени далолат қилган нарса ҳам ундан. Агар бир амалга киришганингда унинг оқибатини ёдда тутивчи, укубатидан хавф қилувчи бўлсанг ва хавфинг кўпайиб бораверса, умидинг эса, Аллоҳ сени сақлаб, бу ҳалокатлар аро тавфиқ беришида бўлса, шунда билгинки, мана шу ёдда тутиш илҳомдир ва усени ушбу амалга далолат қилди. Энди башоратни қабул қил ва Аллоҳнинг бу илмни сенга билдириш билан қилган саховат ва яхшилигини ёдда тут! Аллоҳ уни илҳомга муваффақ қилган кишига тубо бўлсин!”

Бундан келиб чиқадики, Имом Термизий ўзининг “Ал-Илал” рисоласини ва шу билан бирга бутун Ислом дунёсига маълум ва машҳур асари бўлмиш “Ал-Жомеъ ал-кабир” асарини бежизга қўйидаги сўзлар билан тугалламаган: “Аллоҳ унданги

нарсалар билан фойда беришини ва ўз раҳмати билан уни фойдамизга ишловчи хужжат-далил қилишини ҳамда ўз раҳмати билан бизга ҳалокатли қилмаслигини сўраймиз”.

Шутарзда амал ҳар қанча хайрли бўлмасин ҳамда у кишининг ўзига ва бошқаларга қанчалик яхши кўринмасин, Аллоҳга муроқаба ва унинг оқибатидан хавф қилишини кўлдан бой бермаслик лозим бўлади. Зоро, шу сабабли улуғ аждодларимиз битган асарлар инсоният маънавий ҳазинасининг дурдонлари бўлган. Бугунги кунимизда ҳам ишларимизни мана шу каби мезонлар асосида йўлга кўядиган бўлсан, илоҳий таълимотга мувофиқ ва тажрибадан ўтган ушбудек яхши хислатлар ўз самарасини бериши шубҳасиздир.

Жўрабек ЧЎТМАТОВ,
ИТХТМ катта илмий ходими,
ЎХИА ҳузуридаги Малака оширии
маркази Сурхондарё вилояти
минтақавий филиали катта
ўқитувчиси, PhD.

Олим ва обид

“Мифтоҳу дорус саодат” китобида Ибн Аббос розий-аллоҳу анхумодан қўйидагилар келтирилади:

«Шайтонлар Иблисдан сўраши: “Сени олим вафот этганида қаттиқ хурсанд бўлганингни кўрамиз-у, обид ўлганида унчалик хурсанд бўлганингни кўрмаймиз. Сабаби нима?” Иблис деди: “Мен билан юринглар!” Улар бирга бир ибодат қилиб турган обиднинг олдига келишиди. Иблис обиддан сўради: “Раббинг бутун олами бир тухум ичига жойлаштириши мумкинми?” Обид: “Билмайман”, деди. Шунда Иблис шайтонларга: “Кўрдингизми, у ҳозир кофир бўлди”, деди.

Сўнгра улар биргаликда бир олимнинг ҳузурига келишиди. Олим шогирдлари билан сұхбатлашиб ўтираси эди. Иблис унга: “Бизнинг сенга бир саволимиз бор”, деди. Олим: “Айтавер!” деди.

– Раббинг бутун олами битта тухумга жойлай оладими?

– Албатта!

– Қандай қилиб?

– Раббим: “Бўл!” деса тамом, бўлаверади!

Шунда Иблис шайтонларга: “Кўрдингизми, обид ўзидан ўёққа ўта олмайди. Олим эса, кўп халқни мендан тортиб олди!” деди».

Дарҳақиқат, умматни олимлар муҳофаза қилишади. Улар умматнинг совути, метин тоғидирлар. Масалан, мўтазила фитнасини олайлик. Бу эътиқод ҳатто саройгача етиб борди. Икки халифа Маъмун ва Мўтисимларнинг ўзи ушбу бузук эътиқоднинг даъватчилирига айланишиди. Улар инсонларни ушбу эътиқодга мажбурлашди. Қанчадан-қанча олимлар қатл қилинди... Ана шунда Ислом ақидасини ҳимоя қилиш учун Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимахуллоҳ ўртага чиқди. Бир кишининг саботи ва мунозараларда тоғдек туриб бериши, орқасига тушадиган қамчи ва дарраларга чидағ бериши билан Аллоҳ бу умматни бузук эътиқоддан сақлаб қолди.

Худди шундай, олимнинг бузилиши ёки солиҳ бўлиши кўп инсонларга таъсир қиласи. Чунки инсонлар уларга эргашади, уларнинг амалини кузатиб туришади. Олимлар бузилса, одамлар ҳам бузилади. Олимлар саботли бўлишса, одамлар ҳам сабит турба олишади!

Ғазаб инсонни заиф қиласи

Ибн Касир раҳимахуллоҳнинг “Ал-бидая ван-ниҳая” номли китобида келади: «Наҳв олими Ибн Даҳҳон умуман ғазабланмас эди. Бир гуруҳ одамлар бир киши билан гаров боғладилар. Агар у Ибн Даҳҳонни ғазаблантираса, унга маълум миқдорда мол берадиган бўлишди.

У киши Ибн Даҳҳоннинг ҳузурига келиб, унга жуда кўпол гапларни гапирди. Ибн Даҳҳон унинг гапларидан кулди ва: “Агар бирор билан гаров боғлаган бўлсанг, аниқ ютқаздинг. Сен худди филнинг устига қўниб, сўнг учмоқчи бўлганида, филга: “Хушёр бўл, учаяпман!” деган чивинга ўхшайсан!” деди».

Абу Хурайра розийаллоҳу анхудан ривоят қилинди: «Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: “Менга бир нарса ўргатинг. Қўпайтириб юборманг. Шоядки, англаб олсан”, деди. У зот: “Ғазаб қиласи!” дедилар. Бояги одам ўз сўзини бир неча марта тақоррлади. У зот ҳарсафар: “Ғазаб қиласи!” дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Инсон ғазабланганида шайтоннинг олдида заиф бўлиб қолади. Кўп қотилликлар ғазаб пайтида содир бўлади. Кўп талоқлар ғазаб пайтида содир бўлади. Кўп инсонларнинг ҳаёти ғазаб туфайли бутунлай остин-устун бўлиб кетади. Набийимиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг васиятларини қаттиқ тутайлик ва ғазабланмайлик!

Абдулқодир ПОЛВОНОВ

Масала

5-бетда

391-ФАТВО

Мурданинг ярмидан кўп қисми бошсиз ёки ярим қисми боши билан топилса, ювиб, кафнлаб, жаноза ўқиб кўмилади. Жасаднинг кўп қисми топилиб, жаноза билан кўмилганидан кейин қолган қисмлари топилса, улар латтага ўралиб, жаноза ўқилмай кўмилади. Ярим қисми бошсиз ёки узунасига – иккига бўлинган жасаднинг ярми топилган бўлса ҳам, ювилмайди, жаноза ҳам ўқилмайди, балки латтага ўраб дафн қалинади.

«Оламгиря», «Музмарот», «Изоҳ»

392-ФАТВО

Мурданинг мусулмон ёки коғирлиги номаълум бўлса, қаралади – агар у мусулмонлар дигёрида топилган бўлса ёки мусулмонлигига далолат қиласидан бирор аломати билинса, ювиб, жаноза билан дафн этилади. Мусулмонлик аломатларига хатна қилингани, соқоли хина билан бўялгани кабилар киради.

«Оламгиря», «Мевроҷууд-диюя»

393-ФАТВО

Кемада ўлган киши (қирғоқ узоқ бўлса) ювиб, кафнлаб, жанозаси ўқилгач, тош каби оғир нарсани боғлаб, сувга ташлаб юборилади.

«Оламгиря», «Мевроҷууд-диюя»

394-ФАТВО

Мусулмон подшоҳга итот қиласи, унга қарши чиққан қуролли исёнчилар (боғийлар) ҳамда қароқчилар жанг асносида ўлсалар, ювилмайдилар ва уларга жаноза ўқилмайди.

«Оламгиря», «Хизона»

395-ФАТВО

Майитни юувучи ғассол таҳоратли бўлиши яхшидир. Агар ғассол жунуб ё ҳоиза ёки кофир бўлса, макруҳ бўлади.

«Оламгиря», «Мевроҷ», «Зоҳидий»

396-ФАТВО

Ғассол майитнинг айб-нуқсонларини фош қиласидан ишончли киши бўлиши тавсия этилади. Масалан, майитнинг юзи қизарип кетгани, хушбўй ҳид таратгани каби аломатларни гапирса яхши. Аммо юзи қорайгани, ноҳуш ҳид таратгани, шаклу сурати ўзгариб кетгани каби сифатларини айтмаслик керак.

«Оламгиря», «Жавҳара»

“Минг бир фатво” китобидан



Ҳайит – аза тутиладиган кун Эмас

Мўмин-мусулмонлар ҳаётда икки муборак айём – Рамазон ва Курбон ҳайитлари алоҳида ўрин тутади. Хўш, биз ушбу гўзал байрамларни қайтарзда нишонлашимиз керак?

Ҳайит одобларига риоя этишда, унинг хурматини жойига қўйишда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллалоҳу алайҳи ва саллам жуда гўзал ўрнак ҳисобланадилар. У зотнинг таълимоти бўйича ҳайит намозига бормоқчи бўлган киши покланиб, хуш бўйлар суреб, чиройли бўлиши керак. Набий алайҳисаломнинг одатларидан бири – ҳайит намозига бир йўлдан

Фиқҳ

борсалар, уйга қайтаётганларида бошқа йўлдан келар эдилар. Бунинг боиси, у зот бу кунда кўплаб инсонларни байрам билан муборакбод этгандар.

Аммо сўнгги вақтларда аксар одамлар ҳайитнинг асл моҳиятини тушунмай, турли бидъат ишларга кўл уриб қўймоқдалар. Бунга мисоллар кўп. Шулардан бири мусибатли, азали уй соҳиблари бу кунда дарвозаси олдида дастурхон ёзиб, беш-ўн одам белини боғлаб, эшик олдида турадилар. Бу ҳолат уч кунлаб давом этади. Бундан ташқари, ушбу

кунда аёллар йиғи-сиғи қилиб, жоҳилият давридан қолиб кетган амалларни қилишаётгани ҳам киши кўнглини ғаштайди.

Унумаслик керак, ҳайит куни – хурсандчилик куни, оила аъзолари билан чиройли кутиб олинадиган байрам. Бу кунда болажонларнинг кўнглини олиш, беморларни бориб кўриш ва шу каби ҳайрли ишларни амалга ошириш талаб этилади.

Ийд кунлари ҳар бир мўмин-мусулмон очиқ чехрали, ширин сўзли бўлиши, гиналар унутилиб, дўстлик қайта тикланиши зарур, одамларнинг кўнглини кўтариб, уларга яхши тилаклар билдириш керак.

Ҳайит намози ҳақида

Рамазон ҳайити намози жума намози фарз бўлган кишиларга вожибdir. Бу намозни қўёш бир ёки икки наиза баландлигига кўтарилигиндан сўнг заволгача ўқиши мумкин. Ҳайит намозини ўқишига (жамоатга) ултурмаган киши бир ўзи ўқимайди. Рўза ҳайити куни узр бўлиб, жамоатуни ўқиёлмаса, эртасига ўқиш жоиз.

Ҳайит намозига ғул қилиб, энг яхши кийимларини кийиб, хушбўй бўлиб бориш ва намозни адо қилишга боришдан олдин бирор нарса еб олиш суннат бўлади.

Ҳайит намози икки ракат воҷиб намоз бўлиб, унинг ўқилиш тартиби бундай:

Жамоат намоз ўқишига ҳозир бўлиб, саф тортганидан сўнг ҳайит намози ўқишига ният қилинади. (Ҳайит намози учун иқомат айтилмайди).

Ҳайит намозининг нияти: “Юзимни Каъбанинг бир тарафига қаратиб, шу вақтда вожиб бўлган рўза ҳайити намозини барча такбирлари билан, ушбу имомга иқтидо қилиб, холис Аллоҳ учун ўқиши ният қилдим”.

Сўнг такбiri таҳrima айтилади. Ва қўллар боғланиб, киндик остида тутилади. Сўнг имом эшиттириб (қавм ичларида) уч бор тақбир (“Аллоҳ ақбар”) айтади. Такбирда қўллар қулоқлар тўғрисигача

кўтарилади. Такбирлар орасида қўллар боғланмайди, ёнда тутилади. Бу ҳолда уч бор тақбир айтилгач, қўллар боғланади. Сўнг имом эшиттириб қироат қиласди. Қавм жим эшитади. Қироатдан сўнг руку ва сужуд қилиниб, иккинчи ракатга турилади. Иккинчи ракатда имом қироатни тугатганидан сўнг, рукудан олдин, биринчи ракатда айтилганидек уч бор тақбир айтилади.

Ва яна тўртинчи тақбир айтилиб, рукуга борилади ва сажда қилинади. Саждадан сўнг ўтириб ташаҳҳуд, салавот ва дуо ўқиб, салом берилади.

Саломдан сўнг имом минбарга чиқиб хутба ўқииди.

Фойдали маслаҳатлар

- Илиқ кўк чой асал билан ичилганда мияга кўп фойда беради.
- Уйқуга ётишдан олдин сабзи ейиш соғлиққа фойда.
- Сувни узоқ қайнатиш ёки қайнатилган сувни яна қайнатиб чой дамлаш жуда заарли.
- Жигар хасталигига кунига 1–2 коса беҳи шарбати ичиш тавсия этилади.
- Ҳар қандай касалликни даволашни ошқозонни қатиқ зардоби билан ювишдан бошланади.
- Оёғингизни доим тоза, куруқ, иссиқ сақланг.

- Кўк чой буйракни ювади, унаги яллиғанишини даволайди.
- Ётишдан олдин енгил бадантарбия қилинг.
- Уйқудан олдин қуйидаги ларни истеъмол қилиш мумкин: олма, бир қошиқ асал, бир стакан кефир ёки асал қўшилган бир стакан илиқроқ сут.
- Тез-тез қатиқ зардоби ичиб туриш қоннинг ифлосланиши (уре-мия)дан асрайди.
- Инсон жигари тўрт нарсани: хом карам, творог, қаттиқ нон, асални яхши қўради.
- Ёзда тез-тез совук сувда

ювиниб турсангиз, юрагингиз, жигарингиз соғлиги яхшиланади.

➤ Ширгуруч инсон умрини узайтиради, эркаклик уруғини кўпайтиради.

➤ Тишларингизни доим тоза тутинг.

➤ Ҳаммомдан кейин тишини ювсангиз, тез оқаради.

➤ Наъматакни қайнатиб чой ўрнида ичиш ниҳоятда фойдали.

➤ Мунтазам ўтириб ишлайдиган одам ҳар соатда ўрнидан туриб, юрсин, сайр қилсин.

➤ Олма инсон организмига барча зарур нарсаларни етказиб беради. Ҳар куни икки дона олма ейиш кифоя қиласди.

➤ Ошқозон оғриганида наҳорда ва кечда бир қошиқ доғланган зайдун мойи ичиш тавсия этилади.

➤ Ким ҳар 15 кунда бир марта шомда 1 литр қатиқ зардобини ичиб, ичини ювса, қон босими, қанд, бавосир, ошқозон оғриғи каби хасталиклардан халос бўлади.

➤ Сабзавот, кўкатлардан унумли фойдаланиш умрни узайтиради.

➤ Доим кўк чой ичиб, сарик сабзи еб юриш ўсма (рак) касалигининг олдини олади.

➤ Спорт турлари ичида энг фойдалиси югуришdir.

Muassis:
O'zbekiston musulmonlari
idorasi "Shamsuddinxon
Bobonov" NMU

Bosh direktor: Sultonbek
IMOMNAZAROV

Ислом Қурғ

Bosh muharrir:
Abdul Jalil XO'JAM

Tahir hay'ati:
Nuriddin XOLIQNAZAROV
Sodiq TOSHBOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Shay Abdulaziz MANSUR
Jaloliddin XAMROQULOV
Obidjon QODIROV
Uyg'un G'OFUROV
Muhammadsharif UMAN
Kolmat ATABAYEV
Komiljon BURXONOV

Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHTEMIROV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi
Alisher ESHIMOV
Islamiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV
Muzaffar KAMOLOV

Toshkent – 100069, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a уз.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyat.uz

Nashr ko'satkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda
0017-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:
Azizbek XOLNAZAROV
Musahhiha:
Zebo OMONOVA
Sahifalovchi:
Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi:
31.03.2023
Xulosa (№03-07/2432) olindi:
07.04.2023
"SHAMSUDDINXON
BOBXONOV" NMU
bosmaxonasida chop etilidi.

Adadi: 13.600
227/6-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a уз.

Газетада оятлар, ҳадислар бор.
Ноҳоиз жойларга қўйман!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

في الجريدة آيات وأحاديث.
لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!